

Президент Шавкат Мирзиёев 17 ноябрь куни пахтачиликда самарадорликни илғор тажриба ва технологиялар асосида ошириш, қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Тақдимотда пахтачиликда устоз-шогирд анъаналарини йўлга қўйиш орқали ҳосилдорликни 60 центнердан оширган илғор фермерларни 30 центнердан кам ҳосил олган фермерларга бириктириш таклиф қилинди.

2026 йилдан пахта-ғалла, мевалар ва дуккакли экинлар бўйича ҳосилни ихтиёрий суғурталаш тизимини йўлга қўйиш, суғурта мукофотининг 50 фоизини бюджетдан қоплаб бериш таклиф қилинди.

Субсидиялар тизимини соддалаштириш мақсадида 75 турдаги субсидияни ягона платформа орқали ажратиб борадиган Аграр соҳада тўлов агентлиги ташкил этиш ташаббуси ташкирлди.

Президентимиз таклифларни маъқуллаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.



№89 (942)
2025 йил 18 ноябрь,
сешанба

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЯНГИ СТАДИОН

ЮРТИМИЗ НУФУЗИНИНГ ЯНАДА ОШИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Нигора НОЗИМЖОНОВА, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Куни кеча Президентимиз пойтахтда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳамда Янги Тошкентда кўп функцияли футбол стадионини барпо этиш лойиҳаси билан танишди. Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси жамоатчилиқ вакиллари билан биргаликда ушбу иншоотга тамал тоши қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз “Янги Тошкент” стадиони пойдеворига капсула қўйиб, қурилишни бошлаб берди. Лойиҳа доирасида 55 минг ўринли стадион қурилиши бошланди. Алоҳида қайд этиш лозимки, стадион лойиҳаси бўйича яшил энергия ақли бошқарув архитектура жихатидан миллий кадриятлар билан уйғунлашган тарзда ишланиши назарда тутилган.

Бугунги кунда кенг жамоатчилик томонидан мазкур воқелик қизгин муҳокама қилинганлиги ва ўзига хос розилик ҳисси билан футболга бўлган эътибор юртимиздаги минглаб футбол иқлосмандларининг олқишига сазовор бўлмоқда. Футбол соҳасидаги бу каби ўзига хос ишлар ва илоҳотлар кишиларда ўзига хос ишонч уйғотади.

► 2-бет



ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Янги Тошкентда Қозоғистон пойтахти “Остона” номи билан мавзе бунёд этилади. Лойиҳани Қозоғистоннинг етакчи қурилиш компанияларидан бири – БИ Групп амалга оширади. Биринчи босқич учун 10,5 гектар ер майдони ажратилган. Лойиҳа қиймати 200 миллион доллар, қурилиш майдони 25 660 квадрат метр, бу ерда жами 3 162 та замонавий хонадон барпо этилади.



“Остона” мавзесининг архитектура ечимлари замонавий, экологик тоза, одамлар учун қулай яшаш муҳитини яратишга қаратилган бўлиб, Янги Тошкентнинг умумий шаҳарсозлик концепцияси билан уйғунлиқда шакллантирилади. Энг муҳими, ушбу ҳамкорлик Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги иқтисодий ҳамжиҳатликнинг амалий самарасини кўрсатиб, икки қардош халқнинг яқинлашуви-га янги туртки беради.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан волейбол бўйича Тошкент шаҳар босқичининг саралаш ўйинлари ўтказилди.

Мусобақада вазирлик марказий аппарати, Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси ҳамда тизим ташкилотлари вакиллари билан иборат 10 та жамоа ўзаро куч синашди. Учрашувлар жараёнида иштирокчилар юкори жисмоний тайёргарлик, жамоавий ҳаракат ва спорт маданиятини намоён этишди.

Бу каби мусобақалар ҳодимларнинг жисмоний фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касбий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади. Ушбу мусобақада Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг “Раҳбар кубоги – 2025” спорт мусобақасининг финал босқичида иштирок этувчи жамоалар аниқланди.



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ўринбосари Озода Жўраева Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри “Бўстон” МФЙ ҳудудида янги қурилган РК-2 иссиқлик қозонхонаси фаолияти билан танишди. Замонавий талабларга тўлиқ жавоб берувчи РК-2 қозонхонаси 24 та кўп қаватли ўйда яшовчи 800 та хонадон ва 1 та мактабга таълим муассасасига хизмат кўрсатиш қувватига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Фармойиши билан Гулистон шаҳри “Бўстон” МФЙ ҳудудидаги 52 та кўп қаватли уй учун РК-1 ва РК-2 қозонхоналари қурилди. Авваллари мазкур уйлар марказлашмаган иситиш тизими орқали иситилганда 5,4 миллион метр куб газ сарфланар эди. Ушбу қозонхоналарнинг ишга туширилиши ҳисобига газ сарфи 2,4 миллион метр кубгача камайиши, яъни 44 фоизга тежалиши кутилмоқда. Бугунги кунда қозонхоналар тўлиқ фойдаланишга топширилган, 2,8 километр узунликдаги иссиқлик тармоқлари тортиб бўлинган. Натижада жами 52 та кўп қаватли уй марказлашган иссиқлик билан таъминланиб, узлуксиз иссиқ сув етказиб берилади.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Департаменти бошлиғи Обиджон Мўминов иссиқлик таъминоти билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш, мурожаатларни таҳлил қилиш ва уларга амалий ечим топиш мақсадида Навоий вилоятида бўлди. Ўрганишларнинг асосий мақсади – аҳолини барқарор иссиқлик билан таъминлаш, мавжуд тизимдаги ўзилишларнинг олдини олиш ва хизмат сифатини яхшилашдан иборат.

Жараёнда кўп қаватли уйларнинг иситиш тизимларига тайёргарлик ҳолати ўрганилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди. Шу билан бирга, ҳокимлик вакиллари ва Иссиқлик таъминоти корхоналари масъуллари билан муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўллари муҳокама қилинди. Вазирлик томонидан фуқаролар мурожаатларига эътибор билан ёндашиш, энергиятежамкор технологияларни жорий этиш ва мавсумга тайёргарлик ишларини жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ҳодимлари томонидан республика бўйлаб кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компанияларининг фаолиятини ўрганиш мақсадида рейд тадбирлари олиб борилмоқда.

Хусусан, “Чирчиқ Сервис ГР” фаолияти ўрганилганда, мурожаатларни қайд этиш журнали талаб даражасида юритилмаётгани, уйлар атрофи чиқиндилардан тозаланмагани, электр щитлари таъмирталаб ва қаровсиз ҳолда эканлиги, шунингдек, кўп қаватли уйлардаги умумий ойналар алмаштирилмаганлиги аниқланди. Шу билан бирга, “Ўзал Шаҳрим Гулласин” компанияси хизмат кўрсатётган уйлар ҳолати ўрганилганда, кўп қаватли уйларнинг ертўлаларидаги қувурлар қиш мавсумига тайёр эмаслиги, занглаш ва носозлик белгилари мавжудлиги қайд этилди.

Шунингдек, “Хислат Омад” компанияси фаолияти кўриб чиқилганда, қиш мавсумига пухта тайёргарлик қурилмагани, ишчи ва мурожаатларни қайд этиш журналлари талабларга жавоб бермаслиги, кўп қаватли уйлардаги электр щитлари таъмирталаб экани ҳамда умумий деразалар яроқсиз ҳолатда эканлиги маълум бўлди.

Андижон вилоятида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбари Сирожиiddин Эшқуватов бошчилигида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.



Йиғилишда Андижон вилоятида барпо этилаётган кўп қаватли уйлар, “Янги Ўзбекистон” массивларида амалга оширилаётган қурилиш ишлари ҳамда давлат дастурлари доирасида қурилаётган ижтимоий соҳа объектларида сифат ва назоратни янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, қурилаётган бинолар ва иншоотларнинг сейсмик барқарорлигини таъминлаш мақсадида назорат ишларини кучайтириш, белгиланган лойиҳаларга қатъий амал қилиш ҳамда лойиҳа талаблари бузилган тақдирда белгиланган тартибда қоралар кўриш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, сифатсиз қурилиш ишларининг олдини олиш ва инспекторлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида инспекция раҳбари томонидан аниқ топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди. Йиғилиш давомида куз-қиш мавсумига тайёргарлик масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп қаватли уйларда иссиқлик таъминоти тизимларини барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида доимий равишда зарур чора-тадбирлар кўриш ҳамда тизимли назорат олиб бориш вазифаси юклатилди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг Маъмурий амалиёт бўлими ҳодимлари томонидан “Е-маъмурий иш” тизими бўйича соддалаштирилган тартибда иш юритиш масалалари юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Навоий вилояти ҳудудий инспекция ҳодимлари учун ўқув-семинарлар ташкил этилди.



Семинарлар давомида мутахассислар томонидан ҳуқуқбузарлик ишларини юритишда амалдаги тартиб-қоидаларга қатъий риоя этиш, ҳужжатлар билан ишлаш маданиятини юксалтириш ҳамда бу борада ҳодимларнинг масъулиятини ошириш зарурлиги ҳам алоҳида таъкидланди. Ўқув-семинар ҳодимларнинг назарий билимларини бойитиш, амалий тажрибасини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарлик ишларини юритиш жараёнида самарадорликни янада оширишга хизмат қилади.

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ҳодимлари “Яшил макон” лойиҳасига ҳисса қўиш мақсадида Урганч тумани Чўлобод маҳалласи ҳудудида кўчат экиш тадбирларини амалга оширишди.



Ҳудуд шароити ва иқлимни инобатга олган ҳолда, деҳқон ва боғбонлар маслаҳатлари асосида манзарали дарахт кўчатлари танланди. 200 тупдан ортиқ дарахт кўчатлари ҳудудий инспекция ҳодимлари томонидан танланган ҳудудга экилиб, суғорилди. Экилган ҳар бир дарахтни парвариш қилиш бўйича келишиб олинди.

◀1-бет

Янги Стадион

Юртимиз нуфузининг янада ошишига хизмат қилади

Айтиш керакки, бугунги кунда барча спорт турлари каби футбол ҳам мамлакатимизда жадал ривожланыпти. Буни ҳалқимизнинг ўзи ҳам сезиб турибди. Мазкур спорт турига давлат даражасида алоҳида эътибор берилиши табиий ҳол. Сабаби футбол – халқимизнинг орзу-умидлари билан боғлиқ бўлган спорт туридир. Президентимизнинг ушбу спорт турига катта эътибор бериши эвазига футболда қўлга киритилаётган амалий натижалар бугунги кунда юқори даражага чиқмоқда. Бу биринчи навбатда, Президентимиз таъкидлаганидек, спорт соҳасида энг асосийси, адолат таъминланганининг натижаси, деб ҳисоблаш мумкин. Соҳада коррупциянинг йўқолгани ва танлаш тизими, яъни саралаб олиш, ҳақиқий иқтидорлиларни танлаш механизми ишлаб чиқилгани, спорт турининг маҳалла даражасидан, республика даражасига қўтарилгани ютуқларимизга замин яратмоқда.

Шу билан бирга, инфраструктурасиз спортни ривожлантириб бўлмайди. 2017 йилда Ўзбекистон бўйича жаҳон стандартларига жавоб берадиган 3 та футбол стадиони бўлган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 10 тадан ортди. Бу ўз навбатида, Ўзбекистонда футбол соҳасида эришилаётган ютуқларга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Футбол спорт тури бўйича юртимиз тарихида илк бор Олимпиада ўйинларига,

Жаҳон чемпионатининг финал босқичига чиққанимиз, Осиё биринчиликларида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳам айнан ана шу омиллар сабаб юзга келган десак, муболага бўлмайди. Буларнинг барчаси ўзбек халқининг неча йиллик орзуси бўлиб келган.

Шуни таъкидлаш керакки, юртимиз спортининг ривожи, албатта, ёшларимизга берилаётган эътиборнинг меваси ҳам дейиш мумкин. Спортни ривожлантириш, оммавий спортни такомиллаштириш, шу билан бирга, қад ростлаётган янги шаҳарда мана шундай стадионнинг барпо этилиши, Ўзбекистондаги 19 миллион ёшларни, улар қаторида қўлаб ёш спортчиларни янги ва янада улкан марраларни забт этишида пойдевор бўлиши шубҳасиз.

Дастурлар асосида бугунги кунда ёшларни, айниқса, спортчи ёшларни қўлаб-қувватлаш мақсадида Президентимиз томонидан бир қатор қарор ва қонунлар қабул қилиниб, ушбу жараёнларни такомиллаштириш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Ҳар бир маҳаллада туман ва шаҳарларда фаолият юритувчи болалар спорт мактаблари, болалар академиялари, замонавий стадионлар, спорт иншоотлари, жаҳон тан олган спортчиларимизнинг спорт мактабларининг барпо этилиши ёшларни қувонтирмоқда.

Туман, шаҳарларда юқори даражада спортчиларни танлаш тизими, Пре-



зидентимиз ташаббуси билан алоҳида ўқитувчилар учун қасаба уюшмалари кубоги, маҳалла болалари учун “Беш ташаббус” олимпиадаси мактаб лигалари, талабалар учун алоҳида тизим жорий этилиб, у орқали ёш спортчиларни қўлаб-қувватлаш йўлга қўйилгани туфайли ёшлар орасида спорт турларига бўлган қизиқиш янада ортди.

Бугунги кунга келиб, халқимизни, интеллектуал салоҳиятимизни дунё аҳли эътироф этмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан коррупциянинг бартараф этилгани ва адолат таъминланганининг натижасини қисқа муддатда айнан спорт соҳасида кўряпмиз. Юртимизда босқичма-босқич ислохотлар давом этаркан, бугун айнан шу каби йирик иншоотларни барпо этишга эҳтиёж туғилияпти.

– Янги Тошкентда қуриладиган стадион янги шаҳарнинг ғоявий давомий сифатида яшил энергиядан, экологик жиҳатдан атроф-муҳитга зарари кам бўладиган бинолардан бири бўлади, – деди “Янги Тошкент” дирекцияси директори маслаҳатчиси, архитектор Саидзам Шарипов. – Мажмуадаги биноларнинг барчаси “Янги Тошкент”нинг

умумий тамойиллари бўлиб, стадионнинг ўзи 60 гектар майдонни эгаллайди. Унинг 30 гектарида стадион, қолган ҳудудларида эса ёрдамчи иншоотлар барпо этилади. Эътибор беришимиз керак бўлган жиҳат шуки, стадионда нафақат футбол мусобақалари, балки аҳолига манзур бўладиган бошқа тадбирларни ҳам ўтказиш мумкин бўлади. Хусусан, бу ерда спорт тўғрақлари, бошқа кундалик фаолиятлар билан шуғулланиш мумкин бўлган турли функциялар жамланади. Шунингдек, мазкур иншоотда турли тадбирлар ва концертлар ўтказиш ҳам мумкин бўлади.

Биламиз, стадионларнинг муҳим жиҳатларидан бири, унга ташриф буюрувчиларнинг қамрови кенг бўлгани сабабли, биринчи навбатда, жамоат транспортини тўғри ташкил этиш керак бўлади. Айтиш керакки, бу объект ҳозирда Янги Тошкент ҳудудида қурилаётган метро бекатининг ёнгинасида жойлашади. Шу билан бирга, стадионнинг автотурағоҳи ён-атрофда бошқа бинолар борлиги, аҳоли гавжум бўладиган ҳудудларга яқин бўлгани ҳисобга олиниб, бу ерда бунёд этиладиган катта автотура-

гоҳдан нафақат стадиондагилар, балки атрофдагилар ҳам фойдаланишлари мумкин бўлади. Иншоотнинг иситиш ва совутиш тизимлари Янги Тошкентда ташкил қилинган маркашлаштирилган иситиш ва совутиш тизимлари тармоғига уланади. Биноларнинг лойиҳаси ҳам шунга мослаштириб ишлаб чиқилмоқда. Стадион ва унга туташ биноларнинг фасадлари миллий анъанавий архитектуранинг замонавий талқиндаги кўриниши сифатида ишланмоқда.

55 минг ўринли стадион қурилиши халқаро талабларга мос келиши рост. 2027 йилда Ўзбекистон 20 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатини Озарбайжон билан бирга қабул қилади. Мазкур мусобақадаги ўйинлар ҳар бир давлатнинг жаҳон талаблари ҳам мос келадиган стадионларида ўтиши белгиланган. Чемпионатнинг ярим финал ва финал ўйинлари мана шу стадионда ўтказилиши режа қилинмоқда. Айнан мана шу талабдан келиб чиққан ҳолда, жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўриш ва шу билан бирга, стадиондан келажакда бу каби спорт мусобақалари учун тайёргарлик кўришга

база сифатида фойдаланиш мақсад қилинган.

Ўзбекистон Марказий Осиёда бугунги кунда грант терма жамоаларидан бири ҳисобланади. Бу эса ҳозирда халқаро даражада ҳам эътироф этиляпти.

– Бу воқеа қўллар қатори мени ҳам жуда хурсанд қилди, – деди футболимиз фахри Миржалол Қосимов. – Кейинги йилларда Ўзбекистонда футболга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз томонидан қўлаб тегишли қарорлар имзоланмоқда. Ўз навбатида, шунга яраша натижалар ҳам қўлга киритилмоқда. Олимпиада ўйинларига, жаҳон чемпионатида чиқди, Осиё ўйинларида галаба қозонди. Айни шу кунларда эса 17 ёшли футболчиларимиз Қатарда ўтказилаётган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этмоқда. Биз ҳам ўз вақтида мана шундай ютуқларга, айниқса, жаҳон чемпионати финал қисмига чиқишни орзу қилганимиз. Бу каби йирик футбол стадионларининг қурилиши юртимизда ҳолда, жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўриш ва шу билан бирга, стадиондан келажакда бу каби спорт мусобақалари учун тайёргарлик кўришга

Оби ҳаёт – табиатнинг энг ноёб неъмат



Комилжон ШАМУРАТОВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг Хоразм вилояти ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари.

Ичимлик сувини тежаш – ҳар бир инсон, оила ва ташкилотнинг муҳим вазифасидир. Бу нафақат сув ресурсларини асрашга, балки иқтисодий тежамкорликка ҳам хизмат қилади. Бугунги кунда дунё миқёсида сув ресурсларини тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш масаласи энг долзарб экотизим муаммоларидан бирига айланган. Чунки ичимлик суви – табиатнинг энг ноёб неъматларидан бўлиб, узиш ҳаётни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Сўнгги йилларда иқлим ўзгариши, аҳолининг қўлайлиши ва сувдан самарасиз фойдаланиш оқибатида қўлгина ҳудудларда сув танқислиги сезиларли даражада кучайди. Айниқса, Оролбўйи минтақасидаги экологик муаммолар сув захираларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ичимлик сувини асраш фақат давлат ёки ташкилотларнинг вазифаси эмас, балки ҳар бир фуқаронинг шахсий бурчидир.

Хоразм вилояти ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида ичимлик сувининг сифати белгиланган ичимлик стандарт талабларига жавоб бериши, сувни тежаш ва ундан оқилона

фойдаланиш ҳамда бу борада аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, жорий йилнинг январь-октябрь ойларида санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан ҳамкорликда истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик суви сифатини ўрганиш бўйича 1697 та таҳлил намунаси олинди. Шундан, йил бошидан буён 15 та ҳолатда ичимлик сувининг сифати белгиланган ичимлик стандарт талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Ер ости ичимлик суви қудуқларини эксплуатация қилишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан 42

маротаба ўтказилган ўрганишлар давомида 27 та камчилик аниқланди. Ичимлик суви олиш мақсадида янги буриланган ер ости қудуқларни ўрганиш жараёнида 32 та ноқонуний қазилган ер ости ичимлик сув қудуқлари аниқланди. 126 та иншоотда зарарсизлантириш ускунаси ҳамда керакли реагентлар захираси мавжудлиги ўрганилиб, 25 та камчилик аниқланди.

Шунингдек, 411 та бюджет ташкилоти ўрганилганда, 46 та ҳолатда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланиш қоидаларига амал қилинмаганлиги аниқланди ҳамда қоидабузарларга нисбатан 28 та 63,0 миллион сўмлик маъмурий жарималар қўлланилди. Инвестиция дастурлари асосида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари билан янгидан қамраб олинган ҳудудларда аҳоли ва сув таъминоти ташкилотлари ўртасида шартнома расмийлаштирилмасдан қолган 106 та МФЙдаги 847 та хонадон билан ҳудудий инспекция иштирокида шартномавий муносабатлар расмийлаштирилиши орқали 1768 нафар аҳолини тоза ичимлик сувидан қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланиши йўлга қўйилди.

Булардан ташқари, назорат тадбирлари давомида ичимлик ва оқова сув тармоқларида 180 та носозлик (авария) аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича ичимлик суви таъминоти

ташкилотларига мажбурий кўрсатма киритилди. Ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг соҳа бўйича ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда, жамоат жойларидagi ташқи реклама конструкцияларида жами 344 та тарғибот материали эълон қилинди. Шу билан бирга, ҳудудий инспекция ва Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси ўртасида имзоланган Қўшма қарор асосида республика ҳудудларида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик ҳамда норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан жами 217 та МФЙда ўрганиш олиб борилади.

Бу каби тадбирлар ҳамон давом этмоқда.

СУВНИ ТЕЖАШНИНГ ОДДИЙ АММО САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ:

- **крандан сувни бехуда оқизмаслик;**
- **тиш ювиш ёки қўл ювишда сувни йчириб туриш;**
- **ҳовли ва боғларни сўғоришда томчилатиб сўғориш тизимларидан фойдаланиш;**
- **маиший техника (қир ювиш машиналари ва ҳ.к.)ни тўлиқ тўлдириб ишга тушириш;**
- **болалар ва аҳолига сувни асраш маданиятини ўргатиш.**

Назорат ишлари самарали ташкил этилмоқда

Ўлмасбек РАҲМОНОВ,

Фаргона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими бошлиғи.

Фаргона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими томонидан 2025 йилнинг январь-октябрь ойлари давомида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, лаборатория

синовлари бўйича жорий йилнинг 10 ойи давомида 636 та қурилиш объекти билан 15,1 миллиард сўм-лик шартнома тузилди. Тузилган шартномалар кесимида давлат дастурлари объектлари 256 та, қўп қаватли уй-жойлар 145 та, тадбиркорлик объектилари 226 тани ташкил этади.

Текширувлар жараёнида 17 820 та синов участкасида ишлар олиб борилиб, улар бўйича 954 та синов баённомаси тайёрланган. Шундан, 873 та ижобий, 81 та салбий ҳулоса берилган. Синов натижаларида салбий ҳолатлар аниқланган объектлар бўйича тегишли баённомалар расмийлаштирилиб, бююртмачиларга етказилган ҳамда камчиликларни бартараф этиш ишлари назоратга олинган.

Бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўйича 2025 йилнинг 10 ойи давомида 144 та бююртмачи билан 1,2 миллиард сўмлик шартнома тузилган. Шартномалар йўналишларига кўра, Давлат дастури объектлари 75 та, қўп қаватли уй-жойлар 25 та, тадбиркорлик объектлари 44 та, бино ва иншоотларда олиб боришган 104 та ўрганиш ишлари бўйича техник ҳулосалар тайёрланган. Жумладан, 69 та визуал текширувдан ўтказилган объектлар бўлиб, уларнинг 34 таси ижобий, 35 таси эса салбий ҳулосалар билан баҳоланган. 35 та сейсмик-инструментал текширувдан ўтказилган объектларда аниқланган камчиликлар эса жойида бартараф этилган. Кучайтириш тавсия этилган бинолар бўйича кўрсатмалар берилган ва бажарилиш жараёнлари доимий назоратга олинган.

Шунингдек, 2025 йилда лабораторияни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш мақсадида 4 та янги



ускуна сотиб олинди. АРМКОР-1, ДПП-12, А1214 Эксперт ултраговушли дефектоскоп ҳамда ПМ 8000 БАСИС профометри. Ускуналар етказиб берилган ва амалиётда қўлланилмоқда. Лаборатория 2023 йил 20 ноябрда O'z DST ISO/IEC 17025:2019 стандарти талабларига мувофиқ, O'zAK.SL0325 рақамли аккредитация гувоҳномасини олган. Жорий йил 22 сентябрдаги аккредитация комиссияси қарорига кўра, лаборатория фаолият соҳаси 52 тага кенгайтирилган синов йўналишлари билан тасдиқланган.

Яқинда ушбу ускуналар ёрдамида Фаргона шаҳридаги “ПРОМ ЕКО СТРОУ” МЧЖ томонидан қурилаётган қўп қаватли турар жой биноларида темир-бетон конструкцияларида замонавий ускуналар ёрдамида синов ишлари амалга оширилди. Шу билан бирга, қурилишда фойдаланилаётган арматура ва газоблок материалларининг намуна олиниб, лаборатория шароитида уларнинг сифат кўрсаткичлари ва меъёрий талабларга мувофиқлиги ўрганилди.

Бир сўз билан айтганда, инспекция томонидан барча ишлар белгиланган тартибда, давлат стандартлари асосида ва назорат талабларига қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу эса, ҳудудда қад ростлаётган барча объектларнинг сифатли, мустаккам ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Нукус тумани сув таъминоти корхонасининг янги биноси, туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлайдиган насос станциялари ва ичимлик суви тармоқлари, шунингдек, замонавий лабораториянинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан очилиш маросими ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси Аманбай Оринбаев сўзга чиқиб, ййигилганларни табриклади.



Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг махсус қарорига асосан, Осиё тараққиёт банкининг 11,4 миллион доллар маблағлари асосида қурилиш ишлари олиб борилади. Шундан, 263 километр ичимлик сув тармоқлари торитилиши орқали 31 мингдан

зиёд аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши яхшиланди. Шунингдек, “Маданият”, “Ободон” ва “Кердер” насос станциялари, туман сув таъминоти корхонасининг икки қаватли янги биноси, барча замонавий асбоб-ускуналар билан



жиҳозланган лаборатория қуриб битказилди. Амалга оширилган ишлар натижасида туман аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси аввалги 68,4 фоиздан 90 фоизга етказилди.

Албатта, янгидан фойдаланишга топширилаётган

ушбу иншоотлар туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида узоқ йиллар давомида хизмат қилади. Ўтказилган тадбир давомида иштирокчилар амалга оширилган қурилиш ишлари билан яқиндан та-

нишдилар.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Савдога “ALBATROS-KREDIT LOMBARD” МЧЖнинг 2025 йил 14 ноябрдаги 42-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Миробод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2024 йил 20 декабрь, 2025 йил 20 май ва 23 сентябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 1-мавзе, 2-уй, 3-хонадон манзилида сақланаётган куйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	1793	Часы ракета, о.в. 59,26 гр., ч.в. 46,26 гр.; серъги о.в.11,11 гр., ч.в.9,96 гр.; пр. 585	16 189 426,00
2.	2177	Кольцо, о.в. 15,22 гр., ч.в.10,00 гр.; пр. 585	3 889 646,00
3.	2620	Серъги, о.в. 4,67 гр., ч.в. 3,47 гр.; пр. 585	2 183 756,00
4.	2693	Серъги, о.в. 6,35 гр., ч.в. 3,18 гр.; пр. 585	2 736 428,00
5.	2756	Цепь, о.в. 2,33 гр., ч.в. 2,33 гр.; кулон о.в. 1,36 гр., ч.в. 1,36 гр.; пр. 585	2 920 046,00
6.	2775	Кольцо, о.в. 2,37 гр., ч.в. 1,80 гр.; серъги, о.в. 1,52 гр., ч.в. 1,00 гр.; браслет, о.в. 6,85 гр., ч.в. 6,40 гр.; цепь, о.в. 10,47 гр., ч.в. 10,47 гр.; пр. 585	14 145 953,60
7.	2777	Браслет, о.в. 3,63 гр., ч.в. 3,63 гр.; цепь о.в. 2,85 гр., ч.в. 2,85 гр.; пр. 585	4 759 357,00
8.	3015	Серъги, о.в. 4,97 гр., ч.в. 3,80 гр.; кольцо о.в. 3,62 гр., ч.в. 2,70 гр.; кольцо, о.в. 3,62 гр., ч.в. 3,62 гр.; цепь, о.в. 10,06 гр., ч.в. 10,06 гр.; кулон о.в. 2,90 гр., ч.в.2,90 гр.; пр. 585	17 220 435,00
9.	3089	Кольцо, о.в. 4,38 гр., ч.в. 3,10 гр.; пр. 585	2 495 847,00
10.	3117	Кольцо, о.в. 2,22 гр., ч.в. 1,90 гр.; кольцо, о.в. 5,22 гр., ч.в. 4,90 гр.; кольцо, о.в. 2,26 гр., ч.в. 1,60 гр.; кольцо, о.в.2,93 гр., ч.в. 2,93 гр.; кольцо о.в. 3,40 гр., ч.в. 3,40 гр.; пр. 585	9 419 397,00
11.	3260	Кольцо, о.в. 3,25, ч.в. 3,25 гр.; кольцо, 2,42 гр., ч.в. 2,42 гр.; пр. 585	4 419 897,00
12.	3303	Цепь+кулон, о.в. 3,16 гр., ч.в. 2,20 гр.; пр. 585	1798 947,00
13.	3334	Кольцо, о.в. 1,27 гр., ч.в. 1,27 гр.; пр. 585	1 071 747,00
14.	3351	Цепь, о.в. 20,09 гр., ч.в. 20,09 гр.; пр. 585	12 644 731,00
15.	3467	Кольцо, о.в. 1,46 гр., ч.в. 1,36 гр.; пр. 585	1 177 797,00
16.	3623	Кольцо, о.в. 3,06 гр., ч.в.2,94 гр.; пр. 585	2 192 847,00
17.	3652	Серъги, о.в. 3,95 гр., ч.в. 3,10 гр. пр. 750; цепь, о.в. 11,84 гр., ч.в. 11,84 гр.; пр. 585; колье, о.в. 10,38 гр., ч.в. 10,38 гр.; пр. 916	14 267 397,00
18.	3719	Серъги, о.в. 2,54 гр., ч.в. 1,90 гр.; пр. 585	1487 261,00
19.	3743	Кольцо, о.в. 4,37 гр., ч.в. 3,37 гр.; браслет, о.в. 2,82 гр., ч.в. 2,22 гр.; пр. 585	3 889 647,00
20.	3835	Кольцо, о.в. 3,42 гр., ч.в. 3,00 гр.; пр. 585	2 071 647,00
21.	3848	Кольцо, о.в. 2,45 гр., ч.в. 2,45 гр.; пр. 585	2 132 247,00
22.	3857	Браслет, о.в. 2,11 гр., ч.в. 2,11 гр.; пр. 585	1 844 397,00
23.	3949	Кольцо, о.в. 4,25 гр., ч.в. 2,70 гр.; пр. 585	1 897 927,00
24.	4011	Кольцо, о.в. 2,79 гр., ч.в. 2,59 гр.; серъги, о.в. 4,41 гр., ч.в. 4,00 гр.; кольцо, о.в. 2,64 гр., ч.в. 2,30 гр.; пр. 585	7 495 347,00
25.	4163	Серъги, о.в. 6,19 гр., ч.в. 6,19 гр.; цепь, о.в. 12,04 гр., ч.в. 12,04 гр.; , кольцо, о.в. 1,77 гр., ч.в. 1,77 гр.; пр. 585	16 418 697,00
26.	4212	Цепь, о.в. 21,09 гр., ч.в. 21,09 гр.; пр. 585 гр.	16 861 824,40
27.	4324	Кольцо, о.в. 7,80 гр., ч.в. 7,20 гр.; пр. 585	6 465 147,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
28.	4406	Браслет, о.в. 5,39 гр., ч.в. 5,39 гр.; пр. 585	4 797 798,60
29.	4504	Кольцо, о.в. 4,73 гр., ч.в. 2,60 гр.; серъги, о.в.10,02 гр., ч.в. 5,40 гр.; пр. 585	7 252 947,00
30.	4508	Серъги, о.в. 6,17 гр., ч.в. 1,50 гр.; серъги, о.в. 4,26 гр., ч.в. 3,40 гр.; цепь, о.в. 6,41 гр., ч.в. 6,41 гр., кулон, о.в. 2,20 гр., ч.в. 2,20 гр.; пр. 585	11 919 147,00
31.	4597	Кольцо, о.в. 1,38 гр., ч.в. 0,78 гр.; серъги, о.в. 3,39 гр., ч.в. 2,19 гр.; пр. 585	1 617 147,00
32.	4636	Кулон, о.в. 3,18 гр., ч.в. 3,18 гр.; пр. 585	2 904 897,00
33.	4669	Цепь, о.в. 2,12 гр., ч.в. 2,12 гр.; пр. 585	1708 047,00
34.	4732	Кольцо, о.в.2,36 гр., ч.в.2,00 гр.; пр. 585	1 536 342,00
35.	4794	Цепь, о.в. 10,24 гр., ч.в.10,24 гр.; пр. 585	9 197 697,00
36.	4856	Браслет, о.в. 6,61 гр., ч.в. 6,61 гр.; колье, о.в. 13,81 гр., ч.в. 13,81 гр.; цепь, о.в. 7,65 гр., ч.в. 7,65 гр.; пр. 585	22 996 317,00
37.	4885	Кольцо, о.в. 3,15 гр., ч.в. 3,15 гр.; серъги, о.в. 4,82 гр., ч.в. 4,82 гр.; пр. 585	5 698 047,00
38.	4985	Кольцо, о.в. 2,62, ч.в. 2,20 гр.; серъги, о.в. 4,25 гр., ч.в. 3,40 гр.; пр. 585	4 727 235,00
39.	5001	Кольцо, о.в. 1,96 гр., ч.в. 1,30 гр.; пр. 585	834 897,00
40.	5015	Браслет, о.в. 5,17 гр., ч.в. 5,17 гр.; серъги, о.в. 4,78 гр., ч.в. 3,58 гр.; пр. 585	6 697 947,00
41.	5039	Цепь, о.в. 4,58 гр., ч.в. 4,58 гр.; браслет, о.в. 6,78 гр., ч.в. 6,78 гр.; серъги, о.в. 6,17 гр., ч.в. 4,60 гр.; кольцо о.в. 3,80 гр., ч.в. 3,00 гр.; серъги о.в. 8,32 гр., ч.в. 4,70 гр.; кольцо, о.в. 3,46 гр., ч.в. 1,80 гр.; кольцо, о.в. 2,38 гр., ч.в. 2,00 гр.; кулон, о.в. 1,87 гр., ч.в. 1,87 гр.; пр. 585	24 323 457,00
42.	49	Кольцо, о.в. 1,74 гр., ч.в. 1,74 гр.; кольцо о.в. 3,27 гр., ч.в. 2,00 гр.; серъги, о.в. 6,69 гр., ч.в. 4,29 гр.; пр. 585	7 228 197,00
43.	130	КОЛЬЕ, о.в. 7,54 гр., ч.в. 6,30 гр.; БРАСЛЕТ, о.в. 4,87 гр., ч.в. 4,87 гр.; кольцо, о.в. 3,46 гр., ч.в. 3,46 гр.; серъги, о.в. 1,02 гр., ч.в. 0,60 гр.; серъги, о.в. 1,54 гр., ч.в. 1,54 гр.; пр. 585	10 555 945,00
44.	152	Кольцо, 6,37 гр., ч.в. 5,00 гр.; пр. 585	2 587 196,50
45.	219	Браслет, о.в. 14,53 гр., ч.в. 13,40 гр.; серъги, о.в. 3,30 гр., ч.в. 1,80 гр.; кольцо, о.в. 1,87 гр., ч.в. 1,10 гр.; кольцо, о.в. 3,98 гр., ч.в. 3,98 гр.; пр. 585	17 227 197,00
46.	234	Кольцо, о.в. 2,93 гр., ч.в. 2,93 гр.; кольцо, о.в. 1,82 гр., ч.в. 1,82 гр.; пр. 585	3 754 807,00
47.	263	Колье, о.в. 13,05 гр., ч.в. 11,60 гр.; серъги, о.в. 3,94 гр., ч.в. 3,94гр.; пр. 585	13 742 697,00
48.	353	Кольцо, о.в. 1,75 гр., ч.в. 1,30 гр.; пр. 585	1 127 797,00
49.	358	Серъги, о.в. 7,96 гр., ч.в.7,00 гр.; кольцо, о.в. 4,98 гр., ч.в. 4,50 гр.; пр. 585	10 909 647,00
50.	414	Серъги, о.в. 5,60 гр., ч.в. 5,00 гр.; пр. 585	4 616 337,00
51.	433	Кольцо, о.в. 3,68 гр., ч.в. 3,30 гр.; пр. 585	2 993 772,00
52.	486	Кольцо, о.в. 3,29 гр., ч.в. 1,00 гр.; кольцо, о.в. 2,35 гр., ч.в. 0,80 гр.; серъги, о.в. 2,36 гр., ч.в. 1,50 гр.; кольцо, о.в. 1,17 гр., ч.в. 0,70 гр.; колье о.в. 2,59 гр., ч.в. 1,50 гр.; браслет, о.в. 1,91 гр., ч.в. 0,90 гр.; браслет, о.в. 3,72 гр., ч.в. 2,60 гр.; пр. 585	7 940 247,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
53.	490	Серъги, о.в. 3,34 гр., ч.в. 2,80 гр.; пр. 585	2 281 524,04
54.	532	Серъги, о.в. 3,66, ч.в. 2,66 гр.; кольцо, о.в. 2,23 гр., ч.в. 2,23 гр.; пр. 585	3 783 087,00
55.	551	Кольцо, о.в. 4,21 гр., с.в. 3,40 гр.; кольцо, о.в. 1,84 гр., ч.в. 1,84 гр.; кольцо, о.в. 3,62 гр.ч.в. 3,62 гр.; пр. 585	8 440 197,00
56.	577	Кольцо, о.в. 3,27 гр., ч.в. 2,80 гр.; серъги, 5,15 гр., ч.в. 4,20 гр.; пр. 585	5 933 377,00
57.	591	Серъги, о.в. 1,32 гр., ч.в. 1,32 гр.; пр. 585	1 234 875,18
58.	600	Кольцо, о.в. 4,90 гр., ч.в. 4,90 гр.; кольцо, о.в. 5,13 гр., ч.в. 5,13 гр.; кольцо, о.в. 6,16 гр., ч.в. 6,16 гр.; серъги, о.в. 3,19 гр., ч.в. 3,19 гр.; пр. 585	17 257 497,00
59.	646	Кольцо, о.в. 2,30 гр., ч.в. 1,50 гр.; кольцо, о.в. 1,63 гр., ч.в. 1,63 гр.; пр. 585	2 834 697,00
60.	742	Цепь, о.в. 10,30 гр.; ч.в. 10,30 гр.; пр. 585	10 091 547,00
61.	828	Цепь, о.в. 6,04 гр., ч.в. 6,04 гр.; пр. 585	5 955 597,00
62.	847	Серъга, о.в. 3,67 гр., ч.в. 3,10 гр.; пр. 585	2 031 747,00
63.	2141	Серъги, о.в. 4,14 гр., ч.в. 3,10 гр.; серъги, о.в. 3,30 гр., ч.в. 2,80 гр.; кольцо, о.в. 3,43 гр., ч.в. 3,00 гр.; кольцо, о.в. 3,89 гр., ч.в. 3,40 гр.; 585 пр.	8 072 135,00
64.	2144	Браслет, о.в. 25,36 гр., ч.в. 24,00 гр.; пр. 585	14 332 519,00
65.	2289	Кольцо, о.в. 2,05 гр., ч.в. 1,85 гр.; пр.585	1 458 655,00
66.	2311	Кольцо, о.в. 4,94 гр., ч.в. 3,40 гр.; кольцо, о.в. 4,31 гр., ч.в. 1,60 гр.; кольцо, о.в. 5,58 гр., ч.в. 3,10 гр.; браслет, о.в. 1,15 гр. ч.в. 1,15 гр.; пр. 585	6 912 655,00
67.	2392	Серъги, о.в. 2,72 гр., ч.в. 2,30 гр.; серъги, о.в. 5,35 гр., ч.в. 2,70 гр.; кольцо, о.в. 3,03 гр., ч.в. 1,20 гр.; кольцо, о.в. 2,25 гр., ч.в. 2,25 гр.; браслет, о.в. 5,61 гр., ч.в. 5,61 гр.; колье, о.в. 9,51 гр., ч.в. 9,51 гр.; пр. 585	16 704 605,00
68.	2544	Кольцо, о.в. 3,74 гр. ч.в. 3,30 гр.; пр. 585	2 519 155,00
		Жами бошланғич баҳоси	472 837 427,32

Аукцион савдолар **2025 йил 25 декабрь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладди. **Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати:** 2025 йил 23 декабрь куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2025 йил 25 декабрь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2026 йил 8 ва 22 январь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати бир иш куни аввал соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо фoлибига 10 кун ичида сотувчи билан oлди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фoизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисoб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 ХАТБ “Давр-банк” Олмаoзор филиали МФО 0121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13 “А”-уй. **Телефон:** (71) 237-23-96. **Расмий веб сайт:** www.rmm.uz

001805 рақамли гувoҳнома.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Савдога «LOMBARD SVETLANA-KREDIT» МЧЖнинг 2025 йил 17 июндаги 78-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Миробод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2025 йил 22 сентябрь ва 22 октябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасoзлар-2, 41-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	909	Кольцо с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 4,84 гр., ч/в 4,44 гр.	3 778 064,72
2.	975	Кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 2,70 гр., ч/в 2,40 гр.	2 141 864,72
3.	1081	Цепь с метал. пруж., пр. 585, о/в 6,53 гр., ч/в 6,51 гр.	2 835 734,72
4.	1236	Браслет с бел. кам., зам. не раб., погн., пр. 585, о/в 5,84 гр., ч/в 5,67 гр.	5 392 448,72
5.	1329	Колье несколько зв. погн., пр. 585, о/в 16,64 гр., ч/в 16,64 гр.; кольцо с роз. кам., пр. 585, о/в 2,87 гр., ч/в 2,47 гр.	17 873 089,44
6.	1358	Серьга с бел. кам. 1 шт., пр. 585, о/в 1,84 гр., ч/в 1,54 гр.; Фраг: корпус от час., механ. отсут., деф., разделен. на 2 фраг., пр. 585, о/в 21,92 гр., ч/в 21,92 гр.	22 463 741,44
7.	1571	Серьги с бел. кам. 1 серг: ушк. погн., пр. 585, о/в 2,93 гр., ч/в 2,58 гр.; серъги, пр. 585, о/в 7,05 гр., ч/в 7,05 гр.; кольцо, пр. 585, о/в 4,49 гр., ч/в 4,49 гр.	10 917 391,20
8.	1583	Браслет с бел. кам. и метал. пруж., с биркой, пр. 585, о/в 4,26 гр., ч/в 3,72 гр.	3 714 434,72
9.	1760	Цепь с мет. пруж., пр. 585, о/в 20,64 гр., ч/в 20,62 гр.	21 970 184,72
10.	1919	Кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 1,32 гр., ч/в 1,12 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 1,61 гр., ч/в 1,49 гр.	2 232 229,44
11.	2017	Перстень с бел. и чер. кам., пр. 585, о/в 5,59 гр., ч/в 5,00 гр.; кольцо обрuch., пр. 585, о/в 2,01 гр., ч/в 2,01 гр.	7 670 069,44
12.	2107	Кольцо с роз. кам., пр. 585, о/в 3,34 гр., ч/в 2,94 гр.	2 776 664,87
13.	2147	Кольцо с бел. и сирен. кам. паян., пр. 585, о/в 2,69 гр., ч/в 2,31 гр.	2 603 434,72
14.	2171	Серъги с бел. кам., пр. 585, о/в 3,37 гр., ч/в 3,17 гр.	3 852 269,44

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
15.	2203	Кольцо с бел. кам. слом., пр. 585, о/в 2,69 гр., ч/в 2,54 гр.	2 502 434,72
16.	2296	Кольцо с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 2,30 гр., ч/в 2,07 гр.	2 441 834,72
17.	2377	Кольцо обрuch., пр. 585, о/в 3,33 гр., ч/в 3,33 гр.	2 926 634,72
18.	2424	Серъги с бел. кам., 1 кам. нет, уш. погн., пр. 585, о/в 8,12 гр., ч/в 7,56 гр.	8 563 919,44
19.	2436	Кольцо бел. и зел. кам., 1 кам. нет, пр. 585, о/в 2,64 гр., ч/в 1,84 гр.	2 138 834,72
20.	2441	Кольцо, пр. 585, о/в 2,88 гр., ч/в 2,88 гр.	3 040 764,72
21.	2522	Кольцо погн., пр. 585, о/в 2,75 гр., ч/в 2,75 гр.	2 904 414,72
22.	2560	Серъги с бел. кам., пр. 585, о/в 3,73 гр., ч/в 3,53 гр.; серъга 1 шт. с роз. кам, пр. 585, о/в 2,71 гр., ч/в 1,81 гр.	6 095 954,16
23.	2587	Серъги с бел. кам., пр. 585, о/в 3,96 гр., ч/в 3,76 гр.	4 306 769,44
24.	2605	Цепь с метал. пруж., пр. 585, о/в 9,09 гр., ч/в 9,07 гр.	9 554 254,72
25.	2716	Кольцо, пр. 585, о/в 6,10 гр., ч/в 6,10 гр.	6 895 934,72
26.	2745	Кольцо погн., пр. 585, о/в 1,34 гр., ч/в 1,34 гр.	1 441 934,72
27.	2807	Серъги, пр. 585, о/в 1,82 гр., ч/в 1,82 гр.	2 064 569,44
28.	3145	Серъги, пр. 585, о/в 3,23 гр., ч/в 3,23 гр.	3 791 669,44
29.	2199	Цепь с мет. пруж., пр. 585, о/в 5,71 гр., ч/в 5,69 гр.; серъги с деф., пр. 585, о/в 2,76 гр., ч/в 2,76 гр.	8 781 544,16
30.	2290	Серъги с бел. кам., пр. 585, о/в 1,41 гр., ч/в 1,29 гр.; кольцо с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 2,08 гр., ч/в 1,73 гр.	2 516 302,06
31.	2414	Кольцо с бел. кам. погн., тресн., пр. 585, о/в 2,17 гр., ч/в 2,13 гр.	2 138 834,72
32.	2501	Кольцо с бел. и сирен. кам., пр. 585, о/в 2,35 гр., ч/в 1,75 гр.	1 481 399,46
33.	2949	Серъги, пр. 585, о/в 4,47 гр., ч/в 4,47 гр.	4 831 969,44
34.	3160	Браслет с бел. кам. и метал. пруж., пр. 585, о/в 7,96 гр., ч/в 7,61 гр.; кольцо, пр. 585, о/в 1,81 гр., ч/в 1,81 гр.	10 851 569,44

№	Гаров патта рақами	Зар
---	--------------------	-----



BAYROQNI E‘ZOZLASH — Vatanga bo‘lgan muhabbatdir!

Jasurbek NABIJONOV, “Madad” NNT huquqiy byurosi bosh mutaxassisi.

Tarixdan ma’lumki, Vatan ramzlari doimo ulug’ va muqaddas sanalgan. Bayroq hamisi insonlarni yakdillikka, ulug’ maqsad yo’lida birlashishga chorlagan. Davlat ramzlari or-nomus, shon-sharaf belgisi sifatida e’zozlangan. Zero, bayroq har bir xalq, millatning shonli o’timishi va buyuk kelajagi, asriy an’ana va urf-odatlarini o’zida aks ettirgan. Buyuk o’tmish, shonli tarixga ega xalqimizning davlat barpo etish g’oyasi, umuminsoniy qadriyatlapga sodiqligi, eng avvalo, o’zining davlat ramzlarida aks etgan. O’z ramzlariga ega bo’lgan davlat o’z taqdirini o’zi belgilaydi.

Aytish joizki, xalqaro munosabatlarda davlat bayrog‘i har qanday mamlakatning milliy ramzi sifatida e’tirof etilishi bilan birga, xalqaro protokol va etiket qoidalarining ajralmas qismi sanaladi. Diplomatik protokol hamda xalqaro muloqotda davlatga va uning rasmiy vakillariga nisbatan hurmat, e’tirof, oodob-axloqqa asoslangan “xalqaro xushmuomalalik” tamoyillariga amal qilish talab etiladi. Xalqaro protokol amaliyotida asosiy davlat ramzlaridan foydalanishda muayyan oodob-axloq normalari ishlab chiqilgan bo’lib, davlatning suveren ramzlari-

dan biri bo’lmish bayroqqa nisbatan aniq protokol munosabatida bo’lish odatga aylangan.

1961-yilgi “Diplomatik aloqalar to’g’risidagi Vena Konvensiyasi”ning 20-moddasiga binoan, “Diplomatik missiyasi va uning rahbarlari vakolatxona binosida, jumladan vakolatxona rahbarining qarorgohida, transport vositalarida yuboruvchi davlat bayrog‘i va gerbidan foydalanish huquqiga egadirlar” deb ko’rsatilgan. Biz uchun mustaqillikning muqaddas ramzi –davlatimiz bayrog‘i doimo azizdir. Shu bois,

bayrog‘imizga nazar solar ekanmiz, uning balandlarda hilpiraganda yoki madhiyamiz yangraganda biz ruhiy quvvatni, qalbimizda g’urur va buyuk istiqbolga bo’lgan ishonch tuyg’usini his etamiz. Shu bilan bir qatorda bayroqqa nisbatan hurmatni saqlash na-faqat axloqiy, balki huquqiy normalar asosi-da qat’iy belgilab qo’yilgan.

Bundan tashqari, O‘zbekiston Respublikasining Davlat bayrog‘iga nisbatan hurmatsiz munosabatda bo’lish holatlari belgilab o‘tilgan:

- O‘zbekiston Respublikasining Davlat bayrog‘idan va uning tasviri tushirilgan belgilardan yirtilgan, ifloslangan, teshilgan, rangi o‘chgan holda va boshqa noma’qul tarzda foydalanishga;
- O‘zbekiston Respublikasining Davlat bayrog‘idan biror-bir narsa uchun ustki yoping’ich sifatida foydalanishga;
- O‘zbekiston Respublikasining Davlat bayrog‘ini stollarga, o‘rindiqlarga, stullarga to‘shashga

yoki uning tasvirini tushirishga va undan qoplama sifatida foydalanishga, shuningdek, uni o’tiriladigan boshqa joylarga yoki oyoq ostiga to’shashga yoki uning tasvirini tushirishga;

- O‘zbekiston Respublikasining Davlat bayrog‘idan kiyim-bosh, dastro’mol yoki ko’rpa-to’shak sifatida, shuningdek, buyumlarni saqlash va tashish uchun foydalanishga;
- O‘zbekiston Respublikasi Davlat bayrog‘ining tasviri tushirilgan belgilarni poyabzalga, dastro’molga, ko’rpa-to’shakka, ichki kiyimga, sochiqlarga, qutilarga (o’rovlariga), bir marta foydalanish va tashlab yuborish uchun mo’ljallangan buyumlarga bosib chiqarishga yoki uning tasvirini boshqacha tarzda tushirishga;
- O‘zbekiston Respublikasining Davlat bayrog‘idan va uning tasviri tushirilgan belgilardan oodob-axloq qoidalari va jamiyatda

yurish-turish qoidalariga zid ravishda yoxud ularni tahqirlash hisoblanadigan boshqacha tarzda foydalanishga yo’l qo’yilmaydi.

Qolaversa, “Ma’muriy javobgarlik to’g’risida”gi kodeksining 203-1-moddasiga ko’ra, Davlat ramzlari to’g’risidagi qonunchilikni buzish fuqarolarga bazaviy hisoblash miqdorining uch baravarigacha, mansabdor shaxslarga esa – uch baravardan yetti baravarigacha miqdorda jarima solishga sabab bo’ladi. Xuddi shunday huquqbuzarlik ma’muriy jazo chorasi qo’lanilganidan keyin bir yil davomida takror sodir etilgan bo’lsa, fuqarolarga bazaviy hisoblash miqdorining uch baravaridan besh baravarigacha, mansabdor shaxslarga esa – yetti baravaridan o’n baravarigacha miqdorda jarima solishga sabab bo’ladi.

Bir so’z bilan aytganda, fuqarolar qonuniy jazolardan qo’rqanlari uchun emas, Vatanga bo’lgan muhabbatlari tufayli Bayroqni e’zozlashi, undan foydalanishda hurmat bilan munosabatda bo’lishlari jamiyatning umumiy axloq hamda millatning vatanparvarlik ruhiyatini ifodalaydigan omildir.

Тадбиркор қурган уйлар ҳудуд қиёфасига кўрк бағишламоқда

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Давлатимиз томонидан тадбиркорларга яратилган кенг имкониятлар туфайли Олмалик шаҳрида қурилиш соҳасига ихтисослашган кўплаб корхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг саяй-ҳаракати ва изланиши натижасида шаҳар ҳудудидаги бўш ётган майдонларда кўп қаватли уйлар қурилиб, эҳтиёжмандларнинг уй-жойига бўлган талаби қондирилмоқда. Ана шундай корхоналардан бири “Universal Gold Profi” МЧЖдир.

“Universal Gold Profi” МЧЖ бундан етти йил аввал фаолият бошлаган. Дастлабки кезлари кичик объекtlарни таъмирлаш ва қуриш билан шуғулланди. Кейинчалик бу билан кифояланиб қолмасдан, янгилкларни фаолиятига татбиқ этиб, бошқа корхоналардан ортда қолмасликка ҳаракат қилди. Тендерларда фаол қатнашиб, Тошкент шаҳрида, Тошкент вилоятининг Янгийўл, Оҳангарон, Оққўрғон, Бекобод ҳамда Тошкент туманларида бир нечта кўп қаватли турар жойлар, ижтимоий соҳа объекtlарини қуриб битказди.

Олмалик шаҳрининг Абдулла Қаҳҳор кўчасида бунёд этилган 4 та 10 қаватли, ҳар бири 80 хонадондан иборат, жами 296 та кўп қаватли турар жойлар қуриб битказилган Муроджон Хонтўраев раҳбарлигидаги “Universal Gold Profi” МЧЖни эл-юртга танитди.

Объектлар қўлга киритилган дастлабки кезлари уни бунёд этиш осон кечмади: ишчи кучи етарли бўлсада, техника масаласида бироз қийинчиликлар бор эди. Тадбиркор ориятни муаммодан устун қўйди ва соф даромаднинг бир қисмига хориждан бетон қоришга мослашган технологияларни келтириб, завод қурди. Ихчам заводда маҳаллий хомашёдан тайёрланган бир неча хил бетон қоришмалари пешма-пеш объекtlарга етказиб турилди. Натижада турли русумли 10 дан ортиқ техника кучи билан 2023 йилда бошланган бинолар мустақиллик байрамининг 34 йиллиги арафасида муддатидан олдин фойдаланишга топширилди. Корхона барпо этган уйларнинг ён-атрофида катталар ва болалар учун етарли шароитлар яратилган.



– Уч нафар ўғлим ва 7 нафар набирам билан 4 хонали уйда яшаб, анча қийналиб қолгандик, – деди кўпни кўрган отахон Азмиддин Турдиев. – Муроджон Хонтўраев корхонаси томонидан қурилган кўп қаватли турар жойдан 2 та икки хоналисини узоқ муддатли тўлов билан олдик. Қурувчилардан миннатдормиз, уйларда барча шароит яратилган, энергиятежамкорлиги, иссиқ ва совуқ сув, канализация тармоғи эски биноларникидан тубдан фарқ қилар экан.

Ҳар қандай натижа ортида меҳнатга муносабат ва рағбат туради. Демокчимизки, тадбиркор Муроджон Хонтўраев 70 нафардан ортиқ ишчи-ҳодимга касб сирларини ўргатганидан хурсанд. Уларнинг ҳар бири ўз ишини пишиқ-пuxта бажаришга одатланган. Бажарган ишига қараб маош тўланади. Масалан, пайвандловчи, гишт терувчи 7 миллион сўмдан ортиқ маош олади, бошқаларники ҳам бундан кам эмас.

Шу кунларда эса тадбиркор бошчилигидаги жамоа жорий йил охирида қурилиши режалаштирилган иккита лойиҳа устида иш олиб бормоқда.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил 18-20 ноябрь саналарида
таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ҳудудий инспекциялар қурилиш-монтаж ишлари назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Баҳром Ҳолиқулов**,

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ смета ва қурилишни ташкил этиш бўйича етакчи мутахассиси **Жавохир Рўзиев**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий тадқиқот институти етакчи мутахассиси **Мухриддин Собиров**,

“Коммунал лойиҳа илмий тадқиқот институти” Давлат муассасаси бош муҳандиси **Фарҳод Гулямов**, етакчи муҳандис **Димитрий Головин**, “Хоразм” филиали лойиҳа бош муҳандиси **Мурот Шомуротов**,

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 5-устaxonаси архитектори **Азизбек Раҳимов**, “Наманган” филиали директори **Сарвар Исмандиёров**,

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош архитектори **Амиратдин Алауатдинов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Мансур Тожибаев**,

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОК УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилояти Кенгашининг 2025 йил 13 ноябрдаги 83-сонли бюртманомасига асосан қўйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар, “Обод юрт” МФЙ, Ўзбекистон шoққўчаси, 50-уй манзилида жойлашган, **умумий майдони** – 2204,78 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 307,66 квадрат метр, **фойдали майдони** – 270,51 квадрат метрдан иборат, **кадастр рақами:** 12:10:04:02:07:0062 бўлган омборхона биноси ва ёрдамчи бинолар. **Бошланғич баҳоси** – 689 202 187,00 сўм.

Аукцион савдо 2025 йил 17 декабрь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2025 йил 16 декабрь куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулк 2025 йил 17 декабрь куни сотилмаган тақдирда, тақрорий электрон-онлайн савдолар 2025 йил 3 мартга 15 иш кун оралиғида ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Тақрорий савдо учун аризаларни қабул қилишининг охириги муддати бир иш куни олдин соат 18.00 гача.

Савдо ёлибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 (беш)

банк иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юклатилади.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қўйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдода рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй. **Телефон:** (71) 237-23-82.



ЎТМОИЙ-ЎТМОИЙ ГАЗЕТА
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Ҳидоятлов,
(Таҳрир хайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Ёшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Маҳкамов
Мусакхх	Марҳамат Мусулмонкулова

**Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.**

**“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ”
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилиги,
“Ўзсанотқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзГАШКЎИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

**ХУДУДЛАРДАГИ
МУҲБИРЛАРИНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 1141.
1738 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятта келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терибли ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Ҳақбердиев.

ЎА якуни –
Тошпирилди – 22.20.